





ТЕЗКОР ШАРХ

РОССИЯ: ХУКУМАТ ЯНА ЎЗГАРДИ

Ўтган яқинда кун Россия президенти Борис Елцин Сергей Кириенко раислигидаги ҳукуматни тўлиқ таркибда истеъфоса чиқарди. Ҳукумат раиси давлати вақтинчалик яна Виктор Черномирдин зиммасига оқланди.

Борис Елцин ўн беш кунлик таътилдан қайтиш арафасида ҳукуматни тарқатиш тўғрисидаги фармонга имзо қилди. Унинг нота бўлиб тўхтама қўлганини тушуниш эинин эмас. Мамлакат иқтисодиёти оғир аҳволдан қутула олмайпти. Кириенко ҳукумат тепасига келганидан кейин антигадан гаплардан боқармис: ундан олдинги ҳукумат таркиби анча "эскириб қолган" одамлар эди. Кириенко ҳам бўлса ҳам, билими анча кўп... Лекин, Россияни иқтисодий таназулдан "ёғулик сари етаклашга" Кириенконинг ҳам қўли етмади. Ҳартургул, тажриба дегани ҳам чўпак эмас. Сисётат майдонида от суриш учун билим ва ғайратнинг ўзи камлик қилади.

Чамаси, шундай бўлиши турган гап эди. Чунки, бу ҳақда ҳали у ҳукумат тепасига келган давлардаёқ айрим сиёсатчилар ўз башоратларини айтишганди. Аммо, Россиядаги ҳукуматнинг навбатдаги истеъфосига Кириенко шахсини сабаб қилиб бўлмайди. Чамаси иқтисодий муаммоларга боғлиқ. Ҳукумат тепасига ким келишидан қўлнинг назар, энг аввало, унга "пешвоз чиқадиган" масала битта: мамлакат иқтисодиётининг тўғри йўлга бошқариши. Россиялик сиёсатчилар айтгандек, бунинг Москвага на боғлиқ бўлмаган томонлари ҳам борлиги аниқ. Жанури би-шарқий. Осиё молия бозорларидаги инқироз, ҳақон бозориди нефт нарҳининг пайини Россия иқтисодиётига янада холдан тойдирмақда. Лекин, мамлакат иқтисодиётининг танглашувига сабаб кидирганда, аввало; Россиядаги сиёсий беқарорлик, молия ва солиқ соҳасидаги камчиликлар, жиноятчиликнинг авж олиб кетгани ҳақида гапирилса тўғрироқ бўлади.

Қолаверса, Кириенко ҳукумати давлат Думаси билан "бир кун ҳам чиқиша" олмади. Ҳукумат қандай қарор қабул қилишидан қўлнинг назар, Дума уни нотўғри, деб топаверди. Шу боисдан ҳам Кириенконинг ҳукумат раҳбарлигиндан кетишини фракциялар раҳбарлари табиий қабул қилди. Дарвоқе, ҳатто Кириенконинг ўзи ҳам журналистлар билан учрашувда президентнинг ушбу қароридан таажубланмаганини айтди. Демак, уздан ўтганини ўзи билади.

Черномирдиннинг яна ҳукумат тепасига қайтганини эса россиялик сиёсатчилар қизғин қаршилади. Уларнинг назарида, "ҳукумат тажрибасида сиёсатчи ва ҳужалик юртувчи одам - Виктор Степановичнинг қайтгани президентнинг кейинги вақтларда...

Ф. АРЗИЕВ, ЎзА шарҳловчиси

"Украина" жамоа ҳужалиги бошқаруви узининг бош ҳосилоти Халил Хуррамовни яқинда «Тико» автомашинаси билан муқофотлади. Бу эътирофнинг боисини сўрадим.

Марҳамат... Ишонсангиз, ҳужалик тўқсон олтинчи йилда гектардан етти(?) центнердан бугдой олган. Ва, уша етти центнерга тўрақон «деҳқон»лар неки айб бўлса, ҳаммасини ерга алдаришган: эмишки, тўроқ нуғмосиз. Қумоқ, Бонитет бунича 38 баллга тўғри келади. Уч қават насос билан сугорилсади ва ҳоказо!..

Туртта «ҳақиқаттўғри»нинг чан қўлаб ёзган ариасига туртиниб, ишлари бинойидай изга тушган бир ҳужаликнинг раислигидан бўшаб кетган ва туманининг салқингина идорасига ишга ўтган Омон Аҳадов деган ингит ўтган йили «Украина»га раис бўлиб борди. Янги раис бош ҳосилотчиқа Халил Хурра-

мовни тайинлади. Бошқа му- тахассисларни ҳам галвирдан ўтказди.

Белни маҳкам боғлаб ишга киришдилар. Натижа шу бўлдики, биринчи йилнинг ўзида галла ҳосилдорлигини гектарига ўттиз центнерга оширдилар. Уша тўроғу уша сув ва уша насослар билан.

Бу фарвознинг боиси нима деб сўраганлариди Омон Аҳадов, ҳосилотимиз, Халил- бой, зур ишлади деб жавоб берди. Раиснинг бу жавоби сал бўлмаса қимматга тушаёлди. Туманининг раҳбарлари уша зур агрономни бошқа ишлари юришмайроқ турган ҳужаликка ўтказиб юборишларига сал қолди-я.

Бу йил ҳужалик галласини бир ҳафтала ўриб бўлди. Шартнома режасини мамлакатда би-

ТАҲЛИЛ БОШ ҲОСИЛОТГА «ТИКО»

ринчи бўлиб бажарди. Режага қўшимча қилиб давлатга 500 тоннага яқин галла сотди. Ҳар бир ишловчисига 300 килограммдан бугдой ўлашди. Ҳосилдорлик 40 центнерга яқин бўлди. Энди Халил ҳосилотнинг зурлигини, қандал ишлашини айтинг, дерсиз.

Унинг ёши ўттиз бешларда. Далада кўкариб ишлайди. Кунига олти-етти соатлаб хоҳ галларда бўлсин, хоҳ пахтазорда бўлсин, пийда юради. Оёғида этик, бошида соябонли каллапўш. Ўғит омонборнинг қилиги — қулида. Озгина кунгли тўлмагани, ишнинг бошида ўзи туради. Тракторни созлайди. Бир қараса бўлади, ариқа неча литр сув оқибганини айтиб бера олади. Даланинг четиди ўсган тўт да- рахнинг бир парча соясида,

дархат танасига суяниб, беш дақиқа мизғиб олса, тамом, дамини ростлаб кетаверади. Шу билан денг яна Абдулла Қолирийдан тортиб, Саид Аҳмадининг кунглини хушловчи ҳикояларини ўқийди. Ҳажвини албиётга қизикди. Ўзи ҳақида гапириб беришини сўрасангиз, ишларидан қоникмаётган одамнинг ҳолатига ту- шиб қолади. Айтдики, мана, Абдураҳмон Тўхташевнинг оилавий зеноси, 4-бўлимдан, 10 гектардан 64 центнердан бугдой олди. Ҳасанов Ибодул- ланунг зеноси 55 центнер, Абдураҳул Раимназаров, До- нибёр Маматов, Бахтиёр Йўлдо- шев 50 центнердан... Ҳужалик- ни ҳам шу даражага чиқарса...

— Унингиз-чи? Туман-чи? Туманининг элтик центнерлик маррага чиқиб олишга неча қовун пишиги керак бўлади, — деб сўрайман Холиёровдан. — Ҳамма Хуррамовдай, Аҳадовдай, Тўхташевдай иш- ланда, Жарқўрган аллақачон элтик, эллик беш центнердан бугдой олган бўларди, — дейди Холиёров ўйлаб ўтирмадан. — Билсангиз, бонитет ҳисоби бунича туманининг тўроғи (ўртача оғанда) «Украина» ҳужалигининг тўроғидан икки баровар унмодор. Лекин зир- атта фақат тўроқнинг унмодорлиги камлик қиларкан.

Харакат, меҳнат унмодорли- ги ҳам керак экан. Ўш... му- тахассис керак экан... — Демак, мабодо, ўша Халил Хуррамов, кунглини- га олмангу, бешқармада си- знинг ўринида ишлаганда, туман аллақачон элтик цент- нерлик маррага чиқиб олган бўлиши мумкин эканда. — Холиёров самимий билан ку- либ юборди. — Ўн минг гек- тарга дон сочиб юқори нати- жада эришмоқ кўпнинг қўлидан келадиган иш деди. Ва у... тўғри гапни айтди. Мавзумининг мангитки давомига яна тўртта рақам- ни илова қиламиз. Агар туман бўйича «Украина» ҳужалиги даражасида ҳосил ештирил- гандами, бу йилги ҳирнога 6 минг тоннага яқин бугдой қўшилган бўларди. Бу буг- дойни ишловчиларга тақсим- лаб берилганда, ҳар бири 300 килограммдан бугдой ол- ган 20 минг кишининг кунгли ва рағбатдан тўғри ўсарди.

Олимжон: УСАНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири



Тадбиркорлик БЕШ БАРОБАР АРЗОН

Бугунги кунда мамлакатимиз улкан қурилиш майдонига айланган десак, муболага бўлмайди. Қайси шаҳар, қайси қишлоққа йўлингиз тушса, қад ростлаётган бинолар, қўли-қўлига темгай ишлётган қурувчиларга қўзингиз тушади. Табиийки, бу ишлар учун қурилиш ашёлари керак. Уларнинг тури жуда кўп. Энг муҳимларидан бири — электрод.

«Ўрнкор» даҳасида электрод ишлаб чиқарувчи кичик корхона қуришга киришди. — Қурилиш ишларининг дерази 70 фоизда пайвандлаш электродлари қўлланилмоқда, — дейди Абдулла Юсупов. — У гаг ердимида пайвандлашга қараганда 60 фоиз арзон тушади. Менинг мўлжалда кичик корхонада бир кунда ўртача 400 килограмм электрод ишлаб чиқарилади. Бунда фақат хомашё четдан келтирилади. Бир дона электрод бозорада 25 сўм. Менинг ҳисоб-китобимга кўра, янги корхона маҳсулотини 5 сўмга, яъни беш баробар арзонга тушади.

А. АБДУРАҲМОНОВ.

Илди вилоятларда «Китоб байрам»ларини ўтказиб, ноширларимизни, таниқли олим ушорларимизни уюқ-уюқ туман ва қишлоқлардаги муштарилар билан учраштириб, миллий мафқурани шакллантиришга бирмунча ҳисса қўшмоқдамиз. Яқинда Хоразм вилоятда бўлиб ўтган ана шундай байрам ҳалқимизнинг бой тарихи, унинг юксак қадриятлари, талантли, баркамол ва билимдон ёш авлоди шаклланиб бораётганини амалда кўрсатди.

Мустанқиллик йилларида маънавийватимизнинг ишончли қанотлари бўлган оммавий ахборот воситалари ҳам тараққий қилиб келишди. Уларнинг мазмун-мундарижаси,

дан холи бўлмаган пинҳоний «маънавий-моддий» ёрдамларига шубҳа ва ажабланиш билан қараймиз. Негаки, биз ўзаро манфаатли, тенг, ошқора, бе- параз ҳамлиқлик қабул қилма- миз ва шундай мақсаддаги чет эллик ҳамкасбларимиз учун қўлимиздан келган ёрдамимизни зиймаймиз.

Президентимиз «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига берган жавобларида ўринли таъкидлашларидек, ҳақиқатдан ҳам тараққий эти маънавийтасиз, мустаҳкам мафқуранга тасаввур қилиш қийин. Маънавийтасиз мафқуранинг куч-қудрати эса оммавий ахборот воситаларининг ўзига хослиги, ўқиниш- дилиги, замонавийлиги, одам-

«РОҲАТ» ОТАЖ

1998 йил 15 сентябрь соат 10.00 да акционерларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

- 1. Кузатув кенгашини қайтадан сайлаш.
2. 1997 йил якунлари бўйича молиявий ҳолат ҳақида аудитор ҳисоботини тасдиқлаш.
3. 1997 йил якунлари бўйича дивидендларни тақсимлаш.
4. Ҳар хил масалалар.

Акционерлар (улар вакиллари)нинг умумий йиғилиши республика Киночилар уйининг мажлислар залида бўлиб ўтади. Манзил: Тошкент ш., «Ўзбекистон» шохқўчаси, 98.

Умумий йиғилишида иштирок этувчи акционерларнинг рўйхати реестринг 15.08. 1998 йил ҳолатига кўра тузилади.

Ҳар бир акционер ўзи билан паспорт, акционер вакиллари эса нотариус томонидан тасдиқланган ишонч қоғози олиб келишлари лозим.

Маълумотлар ва қўшимча ахборотлар учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишнигиз мумкин: 63-74-22, 63-95-35. Манзилимиз: 702147, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Сапар ГЭС қўргони.

ОЛИЙ БЕЛГИСИ

йўналиши, тарқалиш ҳудуди кенгайди. Яқиндагина пайдо бўлишига қарамай ўз йўналишига, ўз ўрни, ўз ўқувчисига эга бўлган «Шарқ Пресс ТИЖ», «Менеджер», «Санда», «Сана», «Муқдор», «БВВ», «Еш иқтисодий», «Класс» сингари янги турдаги нашрлар ва га- сеталарнинг иловалари бунга иккўл мисол бўла олади.

Мустанқилликимизга 340 дан ошмироқ оммавий ахборот воситаси мавжуд эди. Ҳозирги кунда уларнинг сони 700 га етди. Республикаимизнинг мавжуд қонунарига биноян хусусий газета ва жур- наллар, радио-телевидение студиялари, нашриёт ва бо- сымонлар вужуда келмоқда. Уларнинг дастлабкилари ҳаётимизга, жамиятимизга та- раққийга далал кириб бор- моқда.

Ахир бой ўтмишимиз, бой тарихимиз ҳалқимизнинг эндиликда истиклол туфайли бой ва дориларом яшовини мангитқан тақозо қилмайдими?!

Миллий матбуот фао- лиятининг янги қирраси — кишиларга маърифат тар- қатиш хусусияти тобора иққолроқ намоён бўлиб бор- моқда. Илгари биз ОАВ вази- фаси фақат хабар-маълумот бе- ришдан иборат, деб ҳисоблар- дик. Ҳозирги вақтда илм-маъ- рифат улашини вази фасини ҳам ОАВ маълум даражада ўз им- масига олишга тўғри келади.



ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ

янги маъсумини 1998 йил 2 сентябрь соат 17:30 да

ПРЕМЬЕРА БИЛАН ОЧАДИ

Александр Кассона асари Тошхўжа Ҳўжаев таржумаси

«ЕТТИ ФАРЁД»

(II пардали ақлга сизмайидиган фожиа)

Саҳналаштирувчи режиссёр - Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мунофоти соҳибни ТУРГУН АЗИЗОВ.


Саҳналаштирувчи расом - Александр Зиновьев. Бастакор - Анавар Эргашев.

Рақсларни саҳналаштирувчи - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист - Севилья Тангурнева.


РОЛЛАРДА: Ғўб Аҳмедов, Толиб Қаримов, Пўлат Носиров, Ғайбулла Ҳожиев, Маҳмуд Исмоилов, Эркин Қокинов, Рустам Қаримов, Фотих Жалолов, Маҳфуза Боботуллова, Нодира Маҳмудова, Ҳожимбар Қомилов, Бехзод Мухаммадқаримов, Тоҳир Саидов, Сайёра Юнусова, Саида Рамаётова, Равайн Жўраев, Зухра Ашурова, Мадина Мухторова, Усқун Тиллаев, Фарход Абдуллаев, Ашшер Ҳайрова.

Спектакль соат 17:30 да бошланади.

# Barakat Co., Ltd.



UZBEKISTAN



TURKEY

*Ўзбек халқини мамлакат  
Муствақиллигининг етти йиллиги  
билан чин қалбдан муборақдоғ эътади.*

*Юрагимиз тўридаги самимий тилакларимизни қабул қилгайсиз.*

*Биз ҳам ушбу байрам шодлиқларини катта ҳаяжон ва қувонч билан кўтаямиз.*

*Ўзбек халқи қалбда узок йиллар давомида тўлиб-тошган муствақиллик  
тўғрисидаги азалий орзу рўёбга чиқди. Айни пайтда муствақиллик Ўзбекистоннинг буюк  
келажagini белгилаб берди.*

*Озоғ Ўзбекистоннинг тараққиётида Сизга омад доимо ҳамроҳ бўлсин!*

*Шоки Сизнинг хонадонингизни тинчлик, файзу барака ва фаровонлик ҳеч қачон тарк этмасин!*

*Ушбу байрамнинг ойдин тўйғуси*

*Сизнинг қалбингизда абадий сақланиб қолсин!*

**Barakat Co., Ltd.**

## Barakat-ALFA

### Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси жамоаси

*Ўзбек халқини энг гўзал ва энг азиз айём*

*— Муствақиллик-байрами билан табриклаш шарафига муяссар эканлигидан бахтиёрдир.*

*Биз ушбу қуё айём ҳар бир хонадонга олам-олам бахт, секинч, муҳаббат*

*ҳалда сихатлик олиб киришни тилаймиз.*

*Истиқлолнинг ҳаётбахш нур зиёси қалбингизни, хонадонингизни*

*ва қирингизни чароғон этаверсин.*

*Ҳар бирингизнинг рўзгорингизга, қирингизга ва касби-корингизга барака берсин.*


*Оилангиз эса муствақам бўлсин.*

*Шоё, Ватанингизни ёмон кўзлардан Дратганнинг ўзи асрасин!*

*Гўзал ва озоғ Ўзбекистон*

*Ҳамиша омон бўлсин!*

*Байрамингиз муборақ бўлсин!*



**Barakat ALFA**



МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»),  
А. Жабборов, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир  
уринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак (бош муҳаррир уринбосари —  
«Народное слово»), М. Сафаров, Л. Спиридонов, Р. Фарходий,  
И. Худоёров, И. Шогуломонов, У. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28;  
Эълолар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001  
Буюртма Г — 0249, 27714 нухала босилди,  
ҳажми — 2 тибқ. Оффсет усулида босилган.  
Қоғоз бичими А—2  
Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар  
Сергей ЛУЖИИ ва Жамилга ГОГАЕВ  
томонида саҳифаланди.  
Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материал-  
лар қабул қилинмайди.

© МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Э. Болшев.  
Навбатчи — А. Жураев.  
Мусахҳиҳ — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.  
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилади: 21.00 1 2 3 4 5 6